

5/2023,
sentabr-
oktabr
(№ 00067)



МИНТАҚАВИЙ АГРОСАНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ КЛАСТЕРЛИ ЁНДАШУВ АСОСИДА РИВОЖЛАНТИРИШ МОДЕЛЛАРИ

Элов Дилшод Абдужабборович

И.ф.н., доценти Мирзо Улугбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети <https://orcid.org/0000-0002-6866-8598>
elov.dilshod@mail.ru

DOI: https://doi.org/10.55439/EIT/vol11_iss5/a20

Аннотация

Мақолада агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уларни бошқариш бўйича иқтисодий адабиётда шаклланган турли моделлар таҳлил қилиниб, уларнинг ўзаро фарқли, ижобий жиҳатлари, шунингдек, мавжуд камчиликлари аниқланган.

Калит сўзлар: кластер, агрокластер, бошқарув, кластерли бошқарув, рақобатбардошлик, глобал рақобатбардошлик, ихтисослашув, интеграция, озиқ-овқат хавфсизлиги, қишлоқ хўжалиги.

МОДЕЛИ РАЗВИТИЯ РЕГИОНАЛЬНОГО АГРОПРОМЫШЛЕННОГО ПРОИЗВОДСТВА НА ОСНОВЕ КЛАСТЕРНОГО ПОДХОДА

Элов Дилшод Абдужабборович

К.э.н., доцент имени Мирзо Улугбека Национальный университет Узбекистана

Аннотация

В статье анализируются различные модели в экономической литературе по организации и управлению агрокластерами и выявляются их отличия, положительные стороны, а также имеющиеся недостатки.

Ключевые слова: кластер, агрокластер, управление, кластерное управление, конкурентоспособность, глобальная конкурентоспособность, специализация, интеграция, продовольственная безопасность, сельское хозяйство.

DEVELOPMENT MODELS OF REGIONAL AGRICULTURAL PRODUCTION BASED ON THE CLUSTER APPROACH

Elov Dilshod Abdujabborovich

Ph.D., Associate Professor named after Mirzo Ulugbek National University of Uzbekistan

Abstract

The article analyzes various models in the economic literature on the organization and management of agricultural clusters and identifies their differences, positive aspects, as well as existing shortcomings.

Keywords: cluster, agrocluster, management, cluster management, competitiveness, global competitiveness, specialization, integration, food security, agriculture.

Кириш

Жаҳонда қишлоқ хўжалигининг ривожланиш салоҳиятидан самарали фойдаланишда аграр соҳани кластеризациялашга устуворлик қаратилиб келинмоқда. Бу орқали соҳада ишлаб чиқариш харажатлари қисқариб, табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш билан биргаликда, глобал рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга эришилмоқда. Жумладан, агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектларининг капитализациялашув даражалари ортиши ҳисобига аграр соҳанинг инвестицион жозибадорлиги таъминланмоқда. Шунингдек, агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари билан биргаликда, бошқа соҳа вакиллари ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий муносабатларнинг чуқур интеграциялашуви соҳада кооперацион бошқарувнинг замонавий усулларини шаклланишига олиб келмоқда.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси

Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришга оид илмий-назарий қарашларнинг ривожланиш босқичлари, агрокластерлар бошқарувида инновацион лойиҳалардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва унга таъсир этувчи омиллар, агрокластер бошқарувининг услубий асосларини такомиллаштиришнинг устувор йўналишлари узоқ хорижлик Р. Клаудио, Р.Г. Купер, М. Делгадо, Д. Долореукс, И. Лаур, Г. Линден каби иқтисодчи олимларнинг илмий тадқиқотларида ўз аксини топади.

Тадқиқот усуллари

Тадқиқот жараёнида гуруҳлаш, тизимли ёндашув, назарий ва амалий ўрганиш, индукция ва дедукция, қиёсий таҳлил усуллари қўлланилган

Таҳлил ва натижалар

Агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, тараққий этган, жумладан жадал ривожланаётган мамлакатлар қишлоқ жойларида ўсиш нуқталарини ривожлантиришда инновацион агрокластерларни ривожлантиришга устуворлик қаратилмоқда. Бу турдаги агрокластер таркибий жиҳатдан нафақат қишлоқ хўжалиги субъектлари, балки унга хизмат кўрсатувчи илм-фан, таълим, логистик хизматлар каби бошқа соҳа вакиллари ўртасидаги интеграцион бирлашмаларни шаклланиши орқали намоён бўлмоқда.

Агрокластерлар фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш амалиётини тадқиқ этиш бўйича иқтисодий адабиётда кўп сонли илмий тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан, Е.Ж. Фесер¹, Д. Долореукс², Ч. Кетелс³, Р. Клаудио⁴, О. Солвелл⁵ каби иқтисодчи олимлар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда кластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш самарадорлигини ошириш инновацион

¹ Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18-40


² Doloreux D. and Shearmur R. (2009) maritime clusters in diverse regional context: the case of Canada. Marine Policy. Vol. 33, № 3. pp. 520-527.

³ Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf

⁴ Claudio R. and Riccardo V. (2008). Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. Technological Forecasting & Social Change, vol. 75, № 6, pp. 817-833

⁵ Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf>

маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишга қаратилганлиги ҳақида илмий хулосалар шаклланган. Шу билан биргаликда, агрокластер бошқаруви самарадорлиги унинг таркибий кирувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ички муносабатларнинг тўғри йўлга қўйилганлиги билан баҳоланган.



1-расм. Агрокластер фаолиятини ташкил этиш бўйича О. Солвеллнинг “Базавий” модели⁶

Миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан, аграр соҳада кластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқаришнинг базавий модели О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган бўлиб, бунда унинг таркибий элементлари қуйидагилардан ташкил топади:

- иқтисодий субъектлар – бунда кластер миллий иқтисодиётнинг қайси тармоғидан ташкил этилган бўлса, айнан ўша соҳада фаолият юритаётган хўжалик субъектлари назарда тутилади. Агрокластер таркибий тuzилишида иқтисодий субъектлар қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи иқтисодий субъектларни ўз ичига олади. Бунда улар чуқур интеграцион муносабатларга киришган ҳолда умумий ижтимоий-иқтисодий манфаатлар учун иқтисодий ривожланиш салоҳиятларидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган бошқарув амалиётига ўтадилар;

- давлат бошқарув органлари (махаллий ҳокимиятлар) – кластер ташкил этилган тармоқда давлат томонидан амалга оширилаётган ислохотларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этишда иштирок этувчи давлатнинг мутасадди ташкилотлари, вазирликлар, идоралар, қўмиталар, агентликлар, махаллий ҳокимият органлари ва шу каби бошқа ташкилотлар назарда тутилади. Шу билан биргаликда, мазкур ташкилотлар кластер фаолиятини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш бўйича

⁶ Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf> маълумотлари асосида тузилган

турли имтиёзлар ажратиш бўйича тегишли қарорлар қабул қилиш ваколатига ҳам эга бўлади;

- таълим муассасалари – агрокластер бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги субъектларига нисбатан инновацион ривожланиш орқали рақобатбардошлик кўрсаткичини яхшилашга қаратилган бошқарув амалиётига эга бўлганлиги сабабли, унинг таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари фаолиятида кадрлар сиёсати муҳим аҳамият касб этади. Бунда иш берувчилар томонидан ёлланма ишчиларнинг касбий билим, малака, кўникмаларига нисбатан талаблар мунтазам равишда такомиллаштириб борилади. Шу сабабли мазкур таркибий элемент касбий таълим бериш ваколатига эга бўлган касб-ҳунар коллежлари, олий таълим муассасалари, корхоналар инновацион фаолиятида иштирок этаётган илмий ҳодимлар малакасини ошириш ва инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқишда иштирок этувчи илмий-тадқиқот институтлари, технологик парклар, технологиялар трансферти офисларидан ташкил топади;

- ҳамкор ташкилотлар – бунда агрокластер фаолиятини ривожлантириш учун зарурий шарт-шароитларни яратиш ва уларга техник-технологик хизмат кўрсатиш билан шуғулланувчи хусусий, давлат-хусусий шериклик, хорижий капитал иштирокидаги, қўшма корхоналарни киритиш мумкин бўлади. Жумладан, бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида савдо палаталари, нодавлат-нотижорат ташкилотларнинг ҳам мазкур жараёнлардаги иштироки тобора кенгайиб боради. Натижада агрокластер фаолияти қишлоқ хўжалигидаги комплекс ижтимоий-иқтисодий тузилма сифатида шаклланади;

- оммавий ахборот воситалари – оммавий ахборот воситалари замонавий рақобат курашида агрокластернинг брендини шакллантириш ва маркетинг фаолиятини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Шу билан биргаликда, агрокластер фаолияти тўғрисида маълумотларни истеъмолчиларга етказишнинг асосий дастакларидан бири ҳисобланади. Шу сабабли ҳам агрокластер фаолиятини ташкил этишда оммавий ахборот воситалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйилиши талаб этилади;

- молиявий ташкилотлар – бунда агрокластер фаолиятини ривожлантиришда унга молиявий хизмат кўрсатувчи тижорат банклари, микромолиялаштириш ташкилотлари, суғурта фондлари, бюджетдан ташқари мақсадли фондлар, маҳаллий ва халқаро даражадаги донор ташкилотлар, кредит уюшмалари назарда тутилади. Жаҳон амалиёти таҳлилига кўра, АҚШ ва Ғарбий Европа мамлакатларида хўжалик фаолияти юритаётган йирик агрокластерлар таркибига махсус фондлар ташкил этилган бўлиб, улар ихтиёридаги молиявий ресурслардан агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари инновацион бошқарувини ривожлантиришни молиявий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш жараёнида кенг фойдаланилади.⁷

О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган агрокластер фаолиятини ташкил этишнинг “Базавий” моделида кластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларининг ёйилганлиги, жумладан, унга таъсир кўрсатувчи ташқи омиллар кластер фаолияти сифатида баҳоланади. Бунда агрокластер фаолиятини бошқариш самарадорлиги ҳамкорлик алоқаларини

⁷ Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf>

мустаҳкамланишида деб баҳоланади.⁸ Олим томонидан агрокластерга қўшилган қишлоқ хўжалиги субъектларининг иқтисодий фаолиятида содир бўладиган тенденцияларнинг инобатга олинмаганлиги моделнинг камчилиги сифатида баҳоланади.


Таҳлилларга кўра, агрокластер фаолиятини ташкил этиш бўйича О. Солвелл томонидан ишлаб чиқилган “Базавий” модел уни ташкил этувчи таркибий корхона ва ташкилотлар ўртасида ўзаро ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлашга асосланган. Бунда агрокластер таркибига кирувчи ҳар бир ташкилот мустақил бошқарув амалиётига асосланиши айтиб ўтилган. Яъни агрокластернинг таркибий корхона ва ташкилотларида бошқарув функционал ёндашув асосида ташкил этилиши лозимлиги кўрсатилган. Шу сабабли моделда агрокластер бошқарувини амалга оширишнинг устувор йўналишлари аниқ кўрсатилмаган.

Е. Фесер томонидан миллий иқтисодиётнинг турли тармоқлари, жумладан аграр соҳада кластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг “Классик” модели ишлаб чиқилган. Олим томонидан ишлаб чиқилган модел талаб ва таклиф назариясига асосланганлиги сабабли, у “Классик” модел сифатида баҳоланади. Мазкур модел кластер фаолиятини бошқаришда зарурий товар ва хизматлар ишлаб чиқариш, жумладан, уларни истеъмол қилиш самарадорлигини оширишга қаратилган устувор йўналишларнинг кўрсатиб ўтилганлиги билан “Базавий” моделдан фарқланади.

О. Солвеллдан фарқли ўлароқ, Е. Фесер талаб ва таклиф назарияларига асосланган ҳолда кластерни товар, хизмат ва ресурслар таъминоти занжирини ўзида мужассамлаштирувчи тизим сифатида баҳолайди (2-расмга қаранг). Жумладан, агрокластерларнинг қишлоқ хўжалиги фаолияти юритувчи бошқа иқтисодий субъектлардан фарқи ушбу илм-фан ва ишлаб чиқариш ўртасидаги чуқур интеграцион муносабатларнинг намоён бўлишида, деб ҳисоблайди.⁹ Бу турдаги муносабатлар илмий ишланмалар, инновацион лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва уларни амалиётга жорий этиш имкониятларини кенгайтириб, агрокластер таркибига кирувчи қишлоқ хўжалиги субъектлари ўртасида технологик трансфертни ривожланишига олиб келади. Натижада аграр соҳа инновацион ривожланиш йўлига ўтади.

⁸ Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf>

⁹ Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18-40



2-расм. Агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича Е. Фесернинг “Классик” модели¹⁰

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг “Классик” моделида “Базавий” моделдан фарқли ўлароқ, ресурс таъминоти бўғини киритиб ўтилган. Бунда меҳнат ресурслари (ишчи кучи сифати), ишлаб чиқариш (табiiй ресурслар), молиявий ресурслар назарда тутилади. Шунингдек, агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг “Классик” моделида бошқарув илмий-тадқиқот, ишлаб чиқариш, илм-фанни тижоратлаштириш ва технологик трансферт каби йўналишларни қамраб олади (3-расмга қаранг).




3-расм. Агрокластер фаолиятини бошқаришнинг “Классик” модели таркибий компонентлари¹¹

Таҳлилларга кўра, агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг “Классик” модели инновацион бошқарув амалиётига ихтисослашганлиги билан базавий моделдан афзалроқ ҳисобланади. фикримизча, мазкур моделдан аграр-индустриал мамлакатлар амалиётида фойдаланиш “Базавий” моделга нисбатан кўпроқ самарадорликка эришиш имконини беради.

Ч. Кетелс томонидан амалга оширилган тадқиқотларда агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқаришнинг “Анъанавий” модели илмий асосланган. Олим агрокластер фаолиятини ташкил этишнинг “Ядро” кластер тамойилига асосланган ҳолда, марказий агрокомпания атрофида жамланган турли корхона ва ташкилотлар бирлашмаси фаолиятини таҳлил қилади. Унинг фикрича, агрокластер фаолиятини ташкил этишда илмий тадқиқот институтлари, касбий ва олий таълим муассасалари, молиявий хизмат кўрсатувчи ташкилотлар, давлат бошқарув органлари бевосита иштирок этадилар (4-расмга қаранг).


Мазкур модел таркибий жиҳатдан содда тартибда тузилганлиги ва бошқарув амалиётининг агрокластер марказий компанияси томонидан қабул қилинган қарорларга асосланганлиги билан характерланади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Анъанавий” моделга асосланган агрокластерлар бошқарувида марказий компаниянинг иқтисодий манфаатлари унинг таркибига кирувчи бошқа иқтисодий субъектлар манфаатларига нисбатан устун баҳоланади. Жаҳон амалиёти таҳлиliga кўра, ушбу моделдан давлат томонидан стратегик аҳамият касб этувчи агрокластер фаолиятини ташкил этишда кенг фойдаланилади. Шунингдек, марказий компаниянинг капитализациялашув даражаси ҳам унинг таркибига кирувчи бошқа субъектларга нисбатан юқори бўлади.

¹¹ Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18-40 маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.



4-расм. Агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва бошқариш бўйича Ч. Кетелсинг “Анъанавий” модели¹²

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, “Анъанавий” моделда марказий компаниянинг иқтисодий манфаатларининг уни таркибига кирувчи бошқа иқтисодий субъектлар манфаатларига нисбатан устун қўйилиши бозор иқтисодиёти талабларига мутлақо зид келади. Шу сабабли ҳам бу турдаги агрокластер фаолияти бошқаруви марказлашган бошқарувга асосланади. Натижада унга аъзо бўлишни истаган корхоналар сони нисбатан кам бўлади.



5-расм. Кластеризациялашнинг ҳаётийлик цикли¹³

¹² Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

¹³ Doloreux D. and Shearmur R. (2009) maritime clusters in diverse regional context: the case of Canada. Marine Policy. Vol. 33, № 3. pp. 520-527.; Claudio R. and Riccardo V. (2008). Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. Technological Forecasting & Social Change, vol. 75, № 6, pp. 817-833 маълумотлари асосида тузилган.

Д. Долореукс¹⁴ ва Р. Клаудио¹⁵ томонидан амалга оширилган тадқиқотларда миллий иқтисодиётнинг турли тармоқларини кластеризациялашнинг ҳаётийлик цикли ўрганилган бўлиб, улар ушбу даврни 5-расмда келтирилган тўрт босқичини ажратиб кўрсатадилар. Унга кўра:

- кластер фаолиятини ташкил этишга тайёргарлик босқичи – ушбу босқичда агрокластер ташкил этиш учун ҳудудларнинг қишлоқ хўжалигини ривожлантириш салоҳияти ва мавжуд инфратузилма ҳолати баҳоланади. Жумладан, ҳудуднинг қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқариш бўйича ихтисослашуви йўналиши, унинг ресурс таъминоти ҳам ўрганилади. Амалга оширилган таҳлил натижаларига асосланган ҳолда агрокластер йўналиши ва таркибий тузилиши бўйича дастлабки режалар тузилади;

- иккинчи босқич бу агрокластер фаолиятини ташкил этишни назарда тутди. Ушбу босқичда агрокластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар, уни давлат томонидан қўллаб-қувватлашда иштирок этувчи ташкилотлар, аниқланиб, якуний хулосаларга келинади. Ташкил этилган агрокластер фаолиятига қўшилиш истагидаг бўлган қишлоқ хўжалиги субъектлари учун қўйиладиган талаблар шакллантирилади. Шу билан биргаликда, агрокластер фаолиятини кадрлар билан самарали таъминлаш мақсадида касбий ва олий таълим муассасаларида махсус йўналишлар, мутахассисликлар ва ихтисосликлар ташкил этилади. Жумладан, тегишли илмий тадқиқот муассасалари агрокластерга бириктирилиб, унинг инновацион фаолигини оширишга хизмат қилади;

- якуний босқич агрокластер фаолиятини мунтазам ривожлантириш босқичи ҳисобланади. Ушбу босқичда агрокластер фаолиятини ривожлантириш, жумладан, инновацион ривожланиш, рақобатбардошликни ошириш, маҳсулот сифатини ошириш, янги бозорларни ўзлаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар номенклатурасини кенгайтириш каби қатор йўналишларда тактик ва стратегик режалар тузиб, уларни мунтазам равишда амалга ошириб боришни назарда тутди.

Хулоса

Агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш моделларини таҳлил этиш асосида қуйидаги илмий хулосалар олинди:

биринчидан, агрокластер фаолиятини ташкил этилиши маълум бир турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотини ишлаб чиқаришни тизимли равишда ташкил этиш орқали ишлаб чиқарилаётган маҳсулот рақобатбардошлигини ошириш билан биргаликда, инновацион ривожланишни таъминлаши зарур;

иккинчидан, агрокластер фаолиятини ташкил этиш ва уни бошқариш моделларида рақобатбардошлик даражаси М. Портернинг “Рақобатбардошлик ромби” назариясига асосланади;

учинчидан, агрокластер фаолиятини инновацион ривожланиш хусусиятлари барча турдаги, яъни, “Базавий”, “Классик” ва “Анъанавий” моделларда учрайди. Ушбу ҳолат агрокластер таркибига кирувчи корхона ва ташкилотлар билан инмий-

¹⁴ Doloreux D. and Shearmur R. (2009) maritime clusters in diverse regional context: the case of Canada. Marine Policy. Vol. 33, № 3. pp. 520-527.

¹⁵ Claudio R. and Riccardo V. (2008). Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. Technological Forecasting & Social Change, vol. 75, № 6, pp. 817-833

тадқиқот институтлари, касбий ва олий таълим муассасалари ўртасида интеграцион муносабатларга эътибор қаратилганлигида далолат беради.

Умуман олганда кейинги йилларда мамлакатимиз иқтисодиётини инновацион ривожланиш йўлига ўтказиш, жумладан, ҳудудлар қишлоқ хўжалигини ривожлантриш салоҳиятидан самарали фойдаланишда агрокластерларни ташкил этишга устуворлик қаратиш талаб этилади. Бу орқали стратегик дастурларда режалаштирилган устувор вазифаларни ўз муддатидан илгари самалари ҳал этишга эришилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18-40
2. Doloreux D. and Shearmur R. (2009) maritime clusters in diverse regional context: the case of Canada. Marine Policy. Vol. 33, № 3. pp. 520-527.
3. Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf
4. Claudio R. and Riccardo V. (2008). Foresight and innovation in the context of industrial clusters: the case of some Italian districts. Technological Forecasting & Social Change, vol. 75, № 6, pp. 817-833
5. Solvell O. (2008). Clusters. Balancing evolutionary and constructive forces. Ivory Tower Publishers, Stockholm, Sweden. 138 p. URL: <https://irp-cdn.multiscreensite.com/bcb8bbe3/files/uploaded/redbook.pdf>
6. Feser E.J. (1998). Old and new theories of industry clusters. in Steiner M. (ed.), Clusters and regional specialization, Pion Press, London, UK. pp. 18-40
7. Ketels Ch., Lindqvist G. and Solvell O. (2012), Strengthening Clusters and Competitiveness in Europe. The Role of Cluster Organizations. The Cluster Observatory. Center for Strategy and Competitiveness. October 2012. 50 p. URL: https://clustercollaboration.eu/sites/default/files/document-store/Strengthening_Clusters_and_Competitiveness_in_Europe.pdf